

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

ЭРГАШЕВ ФАРРУХ АЛИШЕРОВИЧ

**СУДЛАР ФАОЛИЯТИГА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА
АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ**

**12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш
фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура**

**юримик фанлар бўйича фалсафа доктори
(Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2025 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Эргашев Фаррух Алишерович

Судлар фаолиятига ахборот коммуникация технологияларини жорий этишнинг назарий ва амалий масалалари..... 3

Ergashev Farrukh Alisherovich

Theoretical and practical issues of implementing information and communication technologies in the activities of courts..... 25

Эргашев Фаррух Алишерович

Теоретические и практические вопросы внедрения информационно-коммуникационных технологий в деятельность судов 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works
Список опубликованных работ..... 52

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

ЭРГАШЕВ ФАРРУХ АЛИШЕРОВИЧ

**СУДЛАР ФАОЛИЯТИГА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА
АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ**

**12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш
фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура**

**юримик фанлар бўйича фалсафа доктори
(Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2025 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.1.PhD/Yu1324- рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Мамасиддиқов Музаффаржон Мусаҷонович юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ғофуров Асқар Бойисович юридик фанлар доктори, профессор Пирматов Отабек Шавкатович юридик фанлар доктори, профессор в.б.
Етакчи ташкилот:	Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 рақамли илмий кенгашнинг 2025 йил 08 октябрь куни соат 14:30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел./факс: (+99871) 202-04-96; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (68-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел./факс: (+99871) 202-04-96).

Диссертация автореферати 2025 йил 25 сентябрь куни тарқатилди.

(2025 йил 25 сентябрь кунидаги 32-рақамли реестр баённомаси).

М.А.Аминҷонова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Ш.И.Шайзаков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

В.Каримов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда XXI аср ахборот технологиялари асри сифатида эътироф этилаётган бир даврда судларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги самарадорлигини ошириш, жамият учун очиқ, шаффоф ва қулайлигини таъминлаш мақсадида судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни тақозо этмоқда. Европа Иттифоқининг 2024-2028 йилларга мўлжалланган Европа электрон одил судлов стратегиясида (European e-Justice Strategy 2024-2028) таъкидланганидек, электрон одил судлов портали ва EUR-Lex одил судловга эришишни осонлаштириши ва одил судлов тизимларининг самарадорлигини ошириши ўз исботини топди.¹ Бироқ, судлар фаолиятини ахборотлаштириш ҳолати таҳлили унинг даражаси ҳануз пастлигича қолаётганлигини кўрсатади. Қолаверса, суд-ҳуқуқ тизимида рақамлаштиришнинг замонавий услубларидан, бинобарин сунъий интеллектдан фойдаланиш билан боғлиқ айрим муаммолар ва хатарлар мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда бу муаммолар бутун дунёни ташвишга солмоқда.

Жаҳонда суд ишларини автоматлаштириш ва электрон ҳужжат айланишини таъминлашга қаратилган электрон суд тизимларини ишлаб чиқиш бўйича халқаро стандартлар ва асосий принциплар (E-Justice and Electronic Court Systems)га амал қилиш, судларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ахборот хавфсизлигини бошқариш тизимларини такомиллаштириш, ақлли судлар (Smart Courts)га асосланган тизимларни жорий қилиш, сунъий интеллект асосида судларда махсус дастурлардан фойдаланиш, давлатлар ва махсус ташкилотлар киберхавфсизлик нуқтаи назаридан суд тизимида замонавий технологиялардан фойдаланишда кучли ҳуқуқий асослар ва механизмларни ҳамда техник муҳофаза чораларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш каби тенденциялар ривожланиб бормоқда.²

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида мамлакатимизда ҳам одил судловни таъминлашнинг устувор вазифаларидан бири сифатида судлар фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, идоралараро электрон маълумот алмашинувини яхшилаш, суд мажлисларида масофадан туриб иштирок этиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган вазифалар белгиланган.³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-358-сонли Қарорида мамлакатимизда сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш бўйича устувор мақсад ва вазифалардан бири сифатида сунъий интеллект

¹ Европа Иттифоқи Кенгаши (2023), 2024–2028 йилларга мўлжалланган Европа электрон одил судлов стратегияси, Брюссель, Бельгия, 2023 йил 17 ноябрь // <https://data.consilium.europa.eu/doc/document/ST-15509-2023-INIT/en/pdf>.

² Special file - Report “European judicial systems” - CEPEJ Evaluation report - 2022 Evaluation cycle. European Commission for the Efficiency of Justice (CEPEJ) // <https://www.coe.int>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-11-сон Фармони // <https://lex.uz/uz/docs/6358976>

технологияларини ривожлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш, соҳада стандартларни такомиллаштириш ва халқаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш назарда тутилган.⁴

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги ПҚ-4818-сон қарори билан тасдиқланган 2020 — 2023 йилларда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш дастурининг ижроси доирасида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига 14 турдаги интерактив хизматлар жорий этилган, 396 та суд мажлиси заллари видеоконференц-алоқа режимида иштирок этиш имконини берувчи ускуналар билан жиҳозланган, шунингдек маълумот ва ахборотларни қайд этишда инсон омили 70 фоизгача қисқариб, рақамлаштириш даражаси 80 фоизга етган. Бироқ шундай бўлса-да, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини оширишнинг самарали ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш, ўз навбатида, судлар фаолиятига замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, одил судлов фаолиятини рақамлаштириш ишларини самарали ташкил этиш, шунингдек, “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифаларни судлар фаолиятига татбиқ этишни илмий асосларини тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (1994), Фуқаролик процессуал кодекси (2018), Иқтисодий процессуал кодекси (2018), “Судлар тўғрисида”ги (2021) Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2020), “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2020), “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2023) Фармонлари, “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2020), “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги (2024) Қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган устувор вазифаларнинг амалга оширилишида диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертация мавзуси шу кунга қадар Ўзбекистон Республикасида мустақил тадқиқот объекти сифатида

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 октябрда “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-358-сон қарори // <https://www.lex.uz/docs/7158604>

махсус монографик жиҳатдан тадқиқ қилинмаган. Мамлакатимизда Ф.Ф.Мухитдинова, М.М.Мамасиддиқов, О.Окюлов, М.А.Тиллабаев, Х.Т.Маматов, З.Н.Эсанова, О.Р.Сулаймонов, Д.У.Арипов, Ж.Х.Абдурахмонхўжаев, Г.М.Бердимуратова, О.Ш.Пирматовнинг тадқиқот ишларида у ёки бу даражада фуқаролик, иқтисодий ва жиноий суд ишларини юритишда ахборот коммуникация технологияларини жорий этишнинг айрим процессуал масалалари ёритилган.

Шу ўринда Э.К.Сабилов томонидан “Судлар фаолияти очиқлигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари” мавзусида диссертация иши амалга оширилган бўлиб, унда судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари тадқиқ этилган. Ундан ташқари, О.Ш. Пирматов “Фуқаролик суд ишларини рақамлаштириш ва виртуаллаштириш” мавзусида диссертация ҳимоя қилган. Бироқ юқоридаги тадқиқотчиларнинг диссертацияларида судлар фаолиятига ахборот коммуникация технологияларини жорий этишнинг назарий ва амалий масалалари чуқур ва комплекс тадқиқ этиб ўрганилмаган.

Бироқ судлар фаолиятига ахборот коммуникация технологияларини жорий этишнинг назарий ва амалий масалалари бўйича мамлакатимиз олимлари томонидан комплекс тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Таъкидлаш керакки, электрон одил судловни амалга ошириш муаммолари хорижлик олимлардан А.В.Аносов, А.В.Головко, Ю.А.Жданова, Э.В.Талапина каби тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Ундан ташқари, А.В.Аносов “Россия Федерациясида электрон адлия шакллантиришнинг ахборот-ҳуқуқий масалалари” мавзусида, С.В.Василькова эса “Цивилистик жараёнда одил судлов” мавзусида, Ю.А.Луконина “Рақамли фуқаролик процессуал шакли: назарий ва амалий жиҳатлари” мавзусида тадқиқот ишларини олиб борган.

Бироқ мустақил Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари негизида судлар фаолиятига ахборот коммуникация технологияларини жорий этишнинг назарий ва амалий масалалари “12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура” ихтисослиги доирасида яхлит тадқиқот иши сифатида илк маротаба тадқиқ этилмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг тадқиқот режасига киритилган ва “Судлар фаолиятига ахборот коммуникация технологияларини жорий этишнинг назарий ва амалий масалалари” мавзусидаги илмий йўналиш доирасида амалга оширилган (2022-2025 й.).

Тадқиқотнинг мақсади мамлакатимизда судлар фаолиятига ахборот коммуникация технологияларини жорий этишнинг назарий-амалий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳукуқи, унинг асослари ва уни амалга оширишнинг айрим масалаларини тадқиқ этиш;

судлар фаолиятига ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш зарурати ва ҳуқуқий асослари таҳлил қилиш;

судлар фаолиятига ахборот технологияларни жорий этиш бўйича халқаро стандартларни таҳлил қилиш;

суд ҳокимияти фаолиятининг очик ва ошкоралигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

судлар фаолиятини видеоконференц-алоқа орқали ислоҳ қилиш масалалари ўрганиш;

судлар фаолиятига сунъий интеллектни жорий қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил асосида такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

суд фаолиятида ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоларини таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда судлар фаолиятига ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш истиқболлари ва асосий йўналишларини аниқлаш ҳамда унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасида судлар фаолиятига ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети судлар фаолиятига ахборот коммуникация технологияларини жорий этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибаси ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда умумлаштириш, дедукция, тизимли ёндошув, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, сўровнома ўтказиш, аниқлаштириш, статистик маълумотлар таҳлили ва суд амалиёти таҳлилий ўрганиш каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мамлакатимиз судлари фаолиятини рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш мақсадида судлар фаолиятида илғор ахборот технологияларини, шунингдек, сунъий интеллектни жорий этиш, келажакда мамлакатимизда “Ақлли суд” (“Smart sud”) концепциясини ишлаб чиқиш ва шу асосида ишларни босқичма-босқич тўлиқ электрон шаклда юритиш амалиётини жорий қилиш, “Ақлли суд” (“Smart sud”) платформаси орқали процессуал ҳаракатларни автоматик қайд этиш; маълумотларни онлайн олиш имконини яратиш; маълумотлар ўртасида тафовутлар юзага келишининг олдини олиш; иш материалларини онлайн узатиш имконини яратиш; жиноятларни квалификация

қилишда сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш; жиноят ишини кўзғатишни рад этишнинг ягона ҳисобини юритиш ҳамда суд экспертизасини онлайн тайинлашнинг ҳуқуқий механизмларини белгилаш асослантирилган;

мамлакатимиз судлари фаолиятини рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш ҳамда “Ақлли суд” (“Smart sud”) платформасини ривожлантириш, шунингдек, судлар фаолиятига сунъий интеллектни жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида ахборот технологиялари хизмат кўрсатиш марказини ташкил этиш, шунингдек, Марказ фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда судлар фаолиятини рақамлаштиришга қаратилган зарур тизим ва дастурларни ишлаб чиқиш, сунъий интеллектни жорий қилиш, суд жараёнларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек судлар ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида маълумотларни электрон узатиш масалалари ҳуқуқий тартибга солиниши асослаб берилган;

Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда санкциялар ва мажбурлов чоралари бўйича судларга киритиладиган илтимосномаларни электрон шаклда юритиш мақсадида Олий суд ахборот тизимлари билан тергов органларининг ахборот тизимлари ўртасида электрон маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш, Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик учун қўлланилган барча жарималарни онлайн кузатиш, унинг тўлов муддатлари ҳақида огоҳлантириш ва тўловларни электрон амалга ошириш имконини яратиш, судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг аниқ таърифи ва рўйхатини шакллантириш, ушбу маълумотларни олиш усуллари ва шартлари, маълумотларни тақдим этиш шакли ва ундан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини белгилаш, суд ҳокимияти билан ОАВ ўзаро муносабатларнинг амалга оширилиши шаклларига доир нормаларни қонунчиликда белгилаш зарурати асослантирилган;

судда иштирок этувчи шахслардан ортиқча маълумотлар талаб этилишига чек қўйиш, электрон одил судловни самарали амалга ошириш, электрон алоқа воситаларидан фойдаланиш, судларга киритиладиган илтимосномаларни электрон шаклда юритиш, ахборот тизимлари ўртасида электрон маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш, “Рақамли ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформасида мавжуд маълумотларни судларнинг ахборот тизимлари билан тўлиқ интеграция қилиш учун ягона ҳуқуқий асосни яратиш мақсадида “Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адвокатура билан ҳамкорлик ва фуқаролик, иқтисодий, жиноий ва маъмурий ишлар бўйича рақамлаштириш тўғрисидаги регламент” ишлаб чиқилиши таклифи асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда “Сунъий интеллект тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш ва мазкур Қонун сунъий интеллектни ишлаб чиқиш ва уни амалда қўллашни назорат қилувчи кенг қамровли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат бўлиши ва Қонуннинг асосий мақсади сунъий интеллект тизимларининг хавфсизлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқларига ҳурмат билан ёндашишни кафолатлашдан иборат бўлиши

кераклиги асослантирилган.

Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларга “Судларда сунъий интеллектни қўллаш” номли алоҳида бобни киритиш таклиф қилинган.

“Суд процессларини интернет орқали ўтказиш қоидалари” ишлаб чиқилиб, диссертация ишига илова қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судларда сунъий интеллектни жорий этилиши билан боғлиқ айрим масалалар тўғрисида”ги қарорини қабул қилиш таклиф қилинган. Ушбу Қарорда судьялар сунъий интеллект тавсиясини кўр-кўрона қабул қилишдан эҳтиёт бўлишлари, ҳуқуқий билимлар ва инсонпарварлик ёндашувини сақлаб қолишлари шартлиги, судьялар алгоритм чиқарган хулосани танқидий баҳолашлари, унинг мантиғини тушунишлари ва зарур бўлса, рад этишни ҳам билишлари, бунда юридик масалалар билангина чекланмай, умуминсоний кадриятлар ва хулоса чиқаришда индивидуал жиҳатлар ҳам эътиборга олиниши лозимлиги, одил судловни амалга ошириш жараёнида яқиний қарор фақат судьяга тегишли бўлиши, судьянинг ўзи сунъий интеллектдан олинган натижаларни, уларнинг сифати ва муайян ҳолатда қўлланилишини баҳолаш кераклиги, шунинг учун бундай технологияни судьянинг ёрдамчиси сифатида кўриб чиқиш мумкин бўлиб, асло унинг ўрнини босувчи сифатида қараш мумкин эмаслиги юзасидан судларга раҳбарий тушунтиришлар берилиши таклиф қилинган.

Электрон одил судловни самарали амалга ошириш, электрон алоқа воситаларидан фойдаланиш учун ягона ҳуқуқий асосни яратиш мақсадида “Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адвокатура билан ҳамкорлик ва фуқаролик, иқтисодий, жиноий ва маъмурий ишлар бўйича рақамлаштириш тўғрисидаги регламент” ишлаб чиқилиши, унда Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда санкциялар ва мажбурлов чоралари бўйича судларга киритиладиган илтимосномаларни электрон шаклда юритиш мақсадида Олий суд ахборот тизимлари билан тергов органларининг ахборот тизимлари ўртасида электрон маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш масаласи ўз ечимини топиши лозимлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда “Рақамли ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформасида мавжуд маълумотларни судларнинг ахборот тизимлари билан тўлиқ интеграция қилиш назарда тутилиши лозимлиги ҳақидаги таклифлар асослантирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси таҳлили, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, ахборот базасида эълон қилинган статистик маълумотларга асосланган, унда чиқарилган хулосалар, таклиф ва тавсиялар тегишли давлат органлари томонидан тасдиқланган ҳамда амалиётга жорий этилганлиги, шу билан биргаликда 7 405 нафар прокуратура ходимлари, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси профессор-ўқитувчилари, мустақил изланувчилар, 1 232 нафар судьяларнинг фикрини ўрганиш мақсадида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларидан фойдаланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган таклифлар ва илмий хулосалардан илмий фаолиятда, ҳуқуқ ижодкорлиги, қонунни қўллаш амалиётида, суд ҳуқуқ назариясини ривожлантириш, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, қонунларга шарҳлар тайёрлашда, судлар фаолиятига ахборот коммуникация технологияларини жорий этишнинг назарий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда ва суд ҳокимиятига оид илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мавзунини тадқиқ этиш натижасида шакллантирилган илмий қоида, хулоса ва таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни, процессуал кодексларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда, суд ҳуқуқи, ахборот ҳуқуқи йўналишидаги илмий тадқиқотларда, норма ижодкорлигида, суд амалиётида, “Жиноят процессуал ҳуқуқи”, “Фуқаролик процессуал ҳуқуқи”, “Иқтисодий процессуал ҳуқуқи”, “Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар”, “Ахборот ҳуқуқи” ва бошқа махсус модуллардан маърузалар ўқиш ва амалий машғулотлар ўқитишда, дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Судлар фаолиятига ахборот коммуникация технологияларини жорий этишнинг назарий, амалий ва ташкилий-ҳуқуқий асослари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

мамлакатимиз судлари фаолиятини рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш мақсадида судлар фаолиятида илғор ахборот технологияларини, шунингдек, сунъий интеллектни жорий этиш, келажакда мамлакатимизда “Ақлли суд” (“Smart sud”) концепциясини ишлаб чиқиш ва шу асосида ишларни босқичма-босқич тўлиқ электрон шаклда юритиш амалиётини жорий қилиш, “Ақлли суд” (“Smart sud”) платформаси орқали процессуал ҳаракатларни автоматик қайд этиш; маълумотларни онлайн олиш имконини яратиш; маълумотлар ўртасида тафовутлар юзага келишининг олдини олиш; иш материалларини онлайн узатиш имконини яратиш; жиноятларни квалификация қилишда сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш; жиноят ишини кўзғатишни рад этишнинг ягона ҳисобини юритиш ҳамда суд экспертизасини онлайн тайинлашнинг ҳуқуқий механизмларини белгилаш ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-16-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш йўналиши бўйича 2025 йилга мўлжалланган амалий тадбирлар режасининг 84-мақсади 17-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил 26 мартдаги 27/2-55-25-сонли далолатномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилинганлиги ахборот технологиялар ривожланган давлатлар тажрибаси билан уйғунлашган ҳолда суд ишларини юритишда сунъий интеллектни қўллашда судлар фаолиятида умумий самарадорликни ошириш,

адолатни таъминлаш ва инсон омили таъсирини камайтириш учун қўшимча имкониятларни яратган;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида ахборот технологиялари хизмат кўрсатиш марказини ташкил этиш, шунингдек, Марказ фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда судлари фаолиятини рақамлаштиришга қаратилган зарур тизим ва дастурларни ишлаб чиқиш, сунъий интеллектни жорий қилиш, суд жараёнларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек судлар ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида маълумотларни электрон узатиш масалаларини ҳуқуқий тартибга солиш ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-16-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш йўналиши бўйича 2025 йилга мўлжалланган амалий тадбирлар режасининг 84-мақсади 17-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил 26 мартдаги 27/2-55-25-сонли далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилинганлиги мамлакатимиз судлари фаолиятини рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш ҳамда “Ақлли суд” (“Smart sud”) платформасини ривожлантириш, шунингдек, судлар фаолиятига сунъий интеллектни жорий этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда санкциялар ва мажбурлов чоралари бўйича судларга киритиладиган илтимосномаларни электрон шаклда юритиш мақсадида Олий суд ахборот тизимлари билан тергов органларининг ахборот тизимлари ўртасида электрон маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш, Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик учун қўлланилган барча жарималарни онлайн кузатиш, унинг тўлов муддатлари ҳақида огоҳлантириш ва тўловларни электрон амалга ошириш имконини яратиш, судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг аниқ таърифи ва рўйхатини шакллантириш, ушбу маълумотларни олиш усуллари ва шартлари, маълумотларни тақдим этиш шакли ва ундан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини белгилаш, суд ҳокимияти билан ОАВ ўзаро муносабатларнинг амалга оширилиши шаклларига доир нормаларни қонунчиликда белгилаш ҳақидаги таклифлар “Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини янада кенгроқ жорий этиш ва суд соҳасида рақамлаштириш ишларини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори лойиҳасининг 5-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2025 йил 27 мартдаги 08/162-25-сонли далолатномаси). Натижада судларнинг замонавий ахборот технологиялари билан таъминланиши, аҳолига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматларнинг самарадорлигини оширилиши, судлар фаолиятида очиқлик принципларининг амал қилиши учун ҳуқуқий асосларнинг яратилишига эришилган;

судда иштирок этувчи шахслардан ортиқча маълумотлар талаб этилишига чек қўйиш, электрон одил судловни самарали амалга ошириш, электрон алоқа воситаларидан фойдаланиш, судларга киритиладиган илтимосномаларни электрон шаклда юритиш, ахборот тизимлари ўртасида электрон маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш, “Рақамли ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформасида мавжуд маълумотларни судларнинг ахборот тизимлари билан тўлиқ интеграция қилиш учун ягона ҳуқуқий асосни яратиш мақсадида “Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адвокатура билан ҳамкорлик ва фуқаролик, иқтисодий, жиноий ва маъмурий ишлар бўйича рақамлаштириш тўғрисидаги регламент” ишлаб чиқиши таклифи “Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини янада кенгроқ жорий этиш ва суд соҳасида рақамлаштириш ишларини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори лойиҳасининг 5-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2025 йил 27 мартдаги 08/162-25-сонли далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилинганлиги мамлакатимизда электрон одил судловни самарали амалга оширишга, судда иштирок этувчи шахслардан ортиқча маълумотлар талаб этилишига чек қўйишга замин яратди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференция ва илмий семинарларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий мақола, тезислар (2 таси хорижий нашрларда) ва монография чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация тузилиши кириш, етти та параграфни қамраб олган 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 155 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишларига мослиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Тадқиқотнинг **“Судлар фаолиятига ахборот коммуникация технологияларини жорий этишнинг назарий-ҳуқуқий асослари”** деб номланган биринчи бобида судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқи, унинг асослари ва амалга оширишнинг айрим масалалари, судлар фаолиятига ахборот

коммуникация технологияларини жорий этиш зарурати ва ҳуқуқий асослари ҳамда судлар фаолиятига ахборот технологияларни жорий этиш бўйича халқаро стандартлар таҳлили ўрин олган. Диссертант илмий қарашлар, замонавий тенденциялар, хориж тажрибаси ва халқаро стандартларга асосланган ҳолда судлар фаолиятининг очиклигини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида махсус қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, суд тизимини рақамлаштириш ишларини жадаллаштиришга қаратилган ягона суд порталини яратиш, электрон суд жараёнларини кенг жорий этиш, бу борада судьялар ва суд ходимларини ўқитиш ва малакасини ошириш, суд ҳокимиятини оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини кучайтириш, судлар ҳузурида жамоатчилик кенгашларини тузиш, фуқаролик жамияти вакилларида иборат маслаҳат органларини шакллантириш ғояларини асослантиради.

Судлар фаолиятига ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш зарурати ва ҳуқуқий асосларини тадқиқ этар экан, диссертант суд тизимидаги оғрикли муаммо сифатида судьяларнинг иш юкларини кўрсатиб, судьяларнинг штатлар сони ҳудудларнинг аҳоли сонига нисбатан мутаносиб равишда белгиланмаганлигини, 2020 йилда республика судларида кўрилган жами ишларнинг сони 440 807 тани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2024 йилга келиб 2 010 120 тани ташкил қилиб, қарийб 5 бараварга кўпайганлигини, бу эса судлар фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, идораларо электрон маълумот алмашинувини яхшилаш, суд мажлисларида масофадан туриб иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш ҳақида ҳулосага келишга асос бўлишини таъкидлайди. Муаллиф юқоридаги муаммоларни олдини олиш чоралари сифатида айрим процессуал ҳаракатларни судья ёки унинг ёрдамчисисиз сунъий интеллект ёрдамида амалга оширилишга эришиш ҳамда у орқали юзага келадиган хавф-хатарларни олдини олиш, уларнинг ҳуқуқий асосларини процессуал қонунчиликда мустаҳкамлаш таклифини илгари суради.

Диссертацияда судлар фаолиятига ахборот технологияларни жорий этиш бўйича халқаро стандартлар таҳлил қилинган. Жаҳонда сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича 7 та халқаро даражадаги ҳамкорлик келишувлари ва 50 дан ортиқ миллий стратегиялар қабул қилинганлигини, судьялар томонидан сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланишда “Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция”⁵ (Рим, 1950 йил 4 ноябрь)нинг 6-моддасидаги адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқ таомилига амал қилиниши алоҳида таъкидлайди. Диссертант БМТ Бош Ассамблеясининг 2024 йил 21 мартдаги “Барқарор ривожланиш учун хавфсиз, ҳимояланган ва ишончли сунъий интеллект тизимларининг имкониятларидан фойдаланиш” номли А/78/Л.49-сонли резолюция, “G20 Сунъий интеллект тамойиллари” бўйича келишув, “Суд тизимларида сунъий интеллектдан фойдаланиш бўйича Европа ахлоқий хартияси”, Европа Иттифоқининг “Сунъий интеллект тўғрисида”ги қонун (the Artificial Intelligence Act)

⁵ “Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция” (Рим, 1950 йил 4 ноябрь) // <https://nrm.uz>

талабларидан келиб чиқиб, “ҳеч ким сунъий интеллектдан тинчликка таҳдид солиш ёки инсон ҳуқуқларини поймол этиш учун фойдаланишга ҳақли эмаслиги” ҳақида қоида соҳага оид қонун ижодкорлигидаги асосий ғоялардан бири бўлишини асослайди. Қолаверса, сунъий интеллектда қўлланиладиган маълумотлар очиклигини таъминлаш, сунъий интеллектнинг қўлланилиш соҳалари ва меъёрларини белгиловчи ахлоқий ва шаффоф кўрсатмалар, стандартлар ва низомларни зудлик билан ишлаб чиқиш, сунъий интеллектда фойдаланиладиган зарурий ускуна ва қурилмалар, дастурий таъминотлар ҳамда маълумотларнинг ишончилиги, хавфсизлиги ва дахлсизлигини таъминлаш бу борадаги қонун ижодкорлигининг асосий эътибор марказида бўлиши ҳақидаги хулосаларни илгари суради.

Тадқиқотчининг фикрича, Ўзбекистонда ҳам яқин келажакда “Сунъий интеллект тўғрисида”ги Қонунни қабул қилишга зарурат юзага келади. Мазкур Қонун сунъий интеллектни ишлаб чиқиш, бозорга чиқариш ва қўллашни назорат қилувчи кенг қамровли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат бўлиши ва Қонуннинг асосий мақсади сунъий интеллект тизимларининг хавфсизлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқларига ҳурмат билан ёндашишни кафолатлашдан иборат бўлиши керак.

Диссертациянинг **“Судлар фаолиятига ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш ва уларни амалга ошириш механизмлари”** деб номланган иккинчи бобида судлар фаолиятининг очик ва ошкоралигини таъминлашда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни, аҳамияти ва такомиллаштириш масалалари ўрганилади. Муаллиф суд ҳокимияти фаолиятининг очиклиги ва иш кўришнинг ошкоралигини таъминлашга, бу борада процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш лозим, деган хулосага келади. Шу мақсадда адвокат очик суд мажлисида аудио-техник воситалардан фойдаланган ҳолда овозларни ёзиб олиш ҳуқуқига эга бўлиши, бироқ фотосуратга, видео-ёзувга ва кинога тушириш, суд мажлиси жойидан радио ёки телевидениега тўғридан-тўғри олиб кўрсатиш ёки эшиттириш қилиш ишнинг ҳал этилишидан манфаатдор бўлган шахсларнинг фикри эътиборга олган ҳолда суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан амалга оширилиши ҳақидаги нормани белгилаш мамлакатимиз ИПКга киритишни таклиф қилади.

АҚШ, Австрия, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Италия, Канада, Янги Зеландия, Швеция, Финляндия, Эстония каби хорижий давлатлар аллақачон видеоконференц-алоқадан фойдаланиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий базани яратган. Бироқ мамлакатимизнинг амалдаги процессуал қонунчилигида (ЖПК, ФПК, ИПК ва МСИЮтК) видеоконференц-алоқадан фойдаланиш фақатгина суд муҳокамаси босқичини қамраб олган. Диссертант ундан фойдаланиш тамойиллари, мақсадлари ва механизмларини, шунингдек мезонларини қонунчиликда белгиланишини, шунингдек суд биносидан ташқарида ҳам видеоконференц-алоқа режимида иштирок этиш тартиби, суд қайси ҳолларда ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда суд мажлисида иштирок этиш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантиришни рад этиши, ишда

иштирок этувчи шахслар видеоконференц-алоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этиш тўғрисидаги аризани суд мажлиси бошланишидан қанча муддат олдин тақдим этиши, ариза нусхаси ишнинг бошқа иштирокчиларига қанча муддатда юборилиши, гувоҳ, таржимон, мутахассис, эксперт суд мажлисида видеоконференц-алоқа режимида фақат суд биносида иштирок этиши мумкинлиги қонунчиликда аниқ кўрсатилишини таклиф қилади.

Тадқиқот ишида судлар фаолиятида сунъий интеллектни қўллашнинг айрим масалалари хорижий давлатлар қонунчилиги асосида қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этилган. Муаллифнинг фикрича, Европа мамлакатлари аллақачон фойдаланишнинг жуда илғор ёндашувини ишлаб чиққан кўринса-да, бироқ ҳам технологик, ҳам ҳуқуқий нуқтаи назардан самарали дастурий таъминотни амалга ошириш билан чекланмоқда. Муаллиф мамлакатимизда сунъий интеллект технологияларини ўрганиш ва жорий қилиш борасида амалга оширилаётган ишларни таҳлили асосида, энг аввало, судларда сунъий интеллект технологияларидан фойдаланишнинг ахлоқий тамойилларини ишлаб чиқиш, ушбу тамойилларни ҳуқуқий Ҳимоя қилиш ва регуляция, шунингдек, маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш, сунъий интеллект хизмати аудио баённомаларни транскриптлаш, таҳлил қилиш қобилиятига эга ақлли қидирув тизимини яратиш, суд амалиётини тизимлаштиришда фойдаланиш имкониятларини кўриб чиқиш лозим, деган хулосага келади.

Диссертантнинг фикрича, сунъий интеллект технологияларидан низосиз талаблар бўйича айрим фуқаролик ва маъмурий ишларни ҳал қилишда, яъни қаерда қарорлар қабул қилиш томонларнинг ҳуқуқий муносабатларини таҳлил қилиш билан боғлиқ бўлмай, кўпроқ техник хусусиятга эга бўлган ишларни ҳал қилишда фойдаланилиши мумкин.

Хорижий давлатлар (Хитой, Ҳиндистон) судлари томонидан йўлга қўйилган суд тизимига сунъий интеллектни жорий этиш борасида ютуқлар ва тараққиёт мамлакатимиз суд тизими учун ҳам ниҳоятда жозибали бўлиб, судлар фаолиятини рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш мақсадида судлар фаолиятида илғор ахборот технологияларини, шунингдек, сунъий интеллектни жорий этиш, келажакда мамлакатимизда “Ақлли суд” (“Smart sud”) концепциясини ишлаб чиқиш ва шу асосида ишларни босқичма-босқич тўлиқ электрон шаклда юритиш амалиётини жорий қилиш таклифи илгари сурилади. Ўз навбатида “Ақлли суд” платформаси орқали процессуал ҳаракатларни автоматик қайд этиш; маълумотларни онлайн олиш имконини яратиш; маълумотлар ўртасида тафовутлар юзага келишининг олдини олиш; иш материалларини онлайн узатиш имконини яратиш; жиноятларни квалификация қилишда сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш; жиноят ишини қўзғатишни рад этишнинг ягона ҳисобини юритиш ҳамда суд экспертизасини онлайн тайинлашнинг ҳуқуқий механизмларини белгилаш имкони юзага келади. Мазкур ҳолат юзасидан ўтказилган сўровнома натижасида иштирок этган прокуратура ходимларнинг 3.830 нафари (52 %), судьяларнинг 340 нафари (27,4%) “Ақлли суд” (“Smart sud”) платформаси орқали процессуал ҳаракатларни

автоматик қайд этиш, маълумотларни онлайн олиш имконини яратиш ва маълумотлар ўртасида тафовутлар юзага келишининг олдини олишга хизмат қилади деб ҳисоблашса, 1.909 нафари (26 %) ёки судьяларнинг 848 нафари (68,8%) барча таклифларимизни ўринли ҳисоблаши ҳақида фикрларини берган.

Диссертациянинг **“Судлар фаолиятига ахборот коммуникация технологияларини жорий этишнинг устувор йўналишлари”** деб номланган учинчи бобида талабгор мамлакатимиз судлари фаолиятини рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш ҳамда “Ақлли суд” платформасини ривожлантириш, шунингдек, судлар фаолиятига сунъий интеллектни жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида Ахборот технологиялари марказини ташкил этиш, ушбу Марказ судлар фаолиятини рақамлаштиришга қаратилган зарур тизим ва дастурларни ишлаб чиқиш, сунъий интеллектни жорий қилиш ва суд жараёнлари хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, судлар ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида маълумотларни электрон узатишни ташкил этиш каби вазифаларни бажариши лозимлиги кўрсатади. Марказ фаолиятига оид таклифлар респондентларнинг 2.966 нафари (40 %) ёки судьяларнинг 848 нафари (68,8 %) қўллаб қувватлаган.

Судларда сунъий интеллект ролининг тобора ривожланиб бориши келажакда бу билан боғлиқ Жинойт-процессуал, Фуқаролик процессуал ва бошқа процессуал қонунчиликка албатта ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш талаб этилиши, келажакда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судларда сунъий интеллектни жорий этилиши билан боғлиқ айрим масалалар тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши мумкинлиги тадқиқот ишида илмий асослантирилди. Ижтимоий сўровда қатнашган 5.924 (80%) нафар прокуратура ходимлари, 1.076 (87,3 %) нафар судьялар ушбу таклифларни ижобий баҳолаган.

Талабгор томонидан судларда сунъий интеллектни қўллашдаги хавф-хатарлардан бири бўлмиш - ахборот хавфсизлигига путур етишини олдини олиш мақсадида сунъий интеллектдан фойдаланиш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган ахлоқий муаммолар сифатида адолатсизлик ва ноҳолисликка йўл қўймаслик, СИ қарорларни шаффоф ва тушунтириш хусусиятига эга бўлиши, махфийлик ва шахсий ҳаёт дахлсизлигига риоя қилиши, суднинг мустақиллиги ва ишончига дахл қилмаслиги, ҳуқуқий муаммолар сифатида маълумотлар ҳимояси ва махфийлик қонунларига риоя этиши, унинг юридик жавобгарлиги масаласи, процессуал ҳуқуқларга риоя этилиши, суд қарорлари асослантирилганлиги ва унинг устидан шикоят қилиш каби жиҳатларни ўрганиб, ахлоқий ва ҳуқуқий муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш учун аниқ Регламент ишлаб чиқиш зарурлиги диссертацияда илмий асослантириб берилди.

Шунингдек, тадқиқот ишида суд-ҳуқуқ тизимида мураккаб ахборот технологиялари тизимларини, шу жумладан сунъий интеллектни жорий этиш ва қўллаб-қувватлаш учун етарлича малакали кадрлар бўлиши талаб этилиши ва судлар фаолиятини рақамлаштириш бўйича “Cyber law” йўналишида

илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш зарурлиги, судьялар ва суд аппарати ходимларининг рақамли саводхонлиги ва малакасини доимий равишда ошириш муҳимлиги ҳақида илмий-амалий фикрлар илгари сурилди.

Диссертантнинг фикрича, мамлакатимизда электрон одил судловни самарали амалга ошириш, электрон алоқа воситаларидан фойдаланиш учун ягона ҳуқуқий асосни яратиш мақсадида “Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адвокатура билан ҳамкорлик ва фуқаролик, иқтисодий, жиноий ва маъмурий ишлар бўйича рақамлаштириш тўғрисидаги регламент” ишлаб чиқиш, унда Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда санкциялар ва мажбурлов чоралари бўйича судларга киритиладиган илтимосномаларни электрон шаклда юритиш мақсадида Олий суд ахборот тизимлари билан тергов органларининг ахборот тизимлари ўртасида электрон маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш масаласи ўз ечимини топиши, Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда “Рақамли ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформасида мавжуд маълумотларни судларнинг ахборот тизимлари билан тўлиқ интеграция қилиш назарда тутилиши лозим.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижасида судлар фаолиятига ахборот коммуникация технологияларини жорий этишнинг назарий ва амалий масалаларини тадқиқ этиш ҳамда бу борадаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилаш мақсадида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

I. Судлар фаолиятига ахборот коммуникация технологияларини жорий этишнинг назариясини ривожлантиришга қаратилган илмий-назарий хулоса ва тавсиялар.

1) Судлар фаолиятига ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасида илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиб ўрганилиши лозим бўлган муҳим йўналишлар сифатида қуйидагилар илгари сурилади:

- фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишда замонавий ахборот технологиялардан фойдаланиш (қўллаш) доирасини аниқлаш (белгилаш);

- суд ишларини юритиш қоидаларини техниканинг “тажовузи”дан ҳимоя қилиш ва унинг таъсир доираси чегарасини белгилаш;

- судда электрон далиллардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш, уларга судлар томонидан баҳо беришда эътиборга олинadиган масалаларни тадқиқ этиш;

- фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритиш давомида техника воситаларидан фойдаланишдаги чегаралар ва бу билан боғлиқ айрим мезонларни ишлаб чиқиш кабилар шулар жумласидандир.

2) Судлар фаолиятида замонавий ахборот технологиялари, хусусан, сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланишда уларни лойиҳаланишидан

тортиб, то амалда қўллашгача бўлган жараёнида ҳам энг аввало Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция билан кафолатланган ҳуқуқларни ҳимоя қилинишини таъминлаш асосий диққат-эътибордаги масала бўлиши асослантирилган.

3) Судлар фаолиятида ахборот технологияларни, хусусан, сунъий интеллектни қўллаш зарурияти қуйидаги омиллар билан белгиланиши ҳақида хулосалар илгари сурилди:

- ахборот технологиялар орқали катта ҳажмдаги маълумотлар тез фурсатда таҳлил қилинади;

- судлар фаолиятининг самарадорлиги ошади;

- ишни ҳал қилишда инсон омили таъсирини камайтиришга эришилади;

- суд қарорларининг объектив ва ҳаққоний бўлиши таъминланади;

- суд қарорларини қабул қилишда аниқликни ошириш имкони яратилади;

- суд харажатларини камайтиришга эришилади;

- хавфсизлик ва махфийлик таъминланади.

4) Суд мажлисларини видеоконференц-алоқа орқали ўтказиш атамасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган. Унга кўра, суд мажлисларини видеоконференц-алоқа орқали ўтказиш - реал вақт режимида аудиовизуал технологиялар ёрдамида, хавфсиз рақамли платформалар орқали видео ва аудио узатиш амалга ошириладиган, анъанавий суд мажлисларининг процессуал яхлитлиги ва расмийчилигини сақлайдиган суд жараёнида суд таркиби ва процесс иштирокчилари - судьялар, суд ходимлари, тарафлар, адвокатлар ва гувоҳлар - анъанавий суд залида жисмонан иштирок этмасдан, масофадан туриб иштирок этадиган процессуал-техник тадбир сифатида эътироф этилади.

5) Диссертацияда сунъий интеллект адолатдан йироқ, нотўғри қарор чиқаришга асос бўладиган тавсияларни илгари сурса ва судья ўз қарорини юқоридаги тавсиялар асосида қабул қилса, у ҳолда ким айбдор бўлиши, унинг оқибати учун ким жавоб бериши масаласи таҳлил қилинди. Ишда агар сунъий интеллект адолатсиз ёки нотўғри тавсиялар берса ва судья ушбу тавсияларга асосланиб қарор қабул қилса, бу қарорнинг оқибатлари учун масъулият судьянинг ўзига юкланиши лозимлиги, чунки, сунъий интеллект фақат ёрдамчи восита бўлиб, яқиний қарор қабул қилиш ваколати ва масъулияти инсон, яъни судья зиммасида қолиши асослантирилди.

6) Сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш ва қўллаш соҳасида юридик жавобгарлик масалаларини назарда тутувчи қонунчилик такомиллаштиришга зарурат мавжудлиги ва келажакда моддий ҳуқуқ соҳасида алоҳида тадқиқ этиб ўрганиладиган муҳим йўналиш эканлиги асослантирилди.

